

**“MILKSERVICE” – СУТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ДЕҲҚОН
ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ҲАМКОРИ**

Абдуллаева Севара Солижановна

Тошкент давлат иқтисодий университетининг доценти

s.abdullaeva@tsue.uz

Аннотация: Дунёда аксарият давлатларнинг стратегик мақсадларидан бири - ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, нархлар барқарорлигини ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Бугунги кунда сайёрамизда тобора сезилиб бораётган глобал ҳарорат кўтарилиши ҳодисаси, COVID-19 пандемияси фонида дунё ҳамжамиятида кузатилаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз, турли давлатларда намоён бўлаётган демографик вазият иқтисодийнинг барча тармоқларига, айниқса қишлоқ хўжалигига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига замонавий инновацион технологияларни жорий этиш бўйича тизимли ислохотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишдаги ютуқлар аграр секторнинг рақобатбардошлигини оширади ва мавжуд муаммоларни янги имкониятларга айлантиради. Бунда “smart” ёки “ақлли қишлоқ хўжалиги”нинг кенг имкониятларидан фойдаланиш, уни алоҳида самарали тармоқ сифатида шакллантириш аграр соҳа ривожини билан боғлиқ кўплаб муаммоларнинг ечими сифатида хизмат қилади.

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, деҳқон хўжалиги, сут маҳсулотлари, самарадорлик, агрохизматлар, ишлаб чиқариш, рақамли технологиялар, мобил илова

Кириш. Маълумки, чорвачилик тармоғининг асосини қорамолчилик ташкил этади ва бунда асосий маҳсулот тури сифатида сут ва гўшт ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда республикамизда чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича изчил ислохотлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакат аҳолисининг сут ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, асосан деҳқон хўжаликларини ривожлантириш тадбирларига бевосита боғлиқ. Бу ўз навбатида чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, мустаҳкам озуқа базасини яратиш, чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатишни сифат жиҳатдан яхшилашни тақозо қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Деҳқон хўжаликларидан чорвачилик тармоғига хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириш, маҳсулот етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш, қорамолчилик хўжаликларининг фаолиятида интеграция жараёнларини чуқурлаштириш, сут ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тизимига инвестицияларни жалб этиш, чорвачилик комплексларини ташкил қилиш масалаларидаги назарий-амалий аҳамиятга эга тавсиялар мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан тадқиқ этилган.

Жумладан, иқтисодчи олим У.М.Кўччиев ўз илмий изланишларида чорвачилик хўжаликларида хизмат кўрсатиш субъектларини ривожлантириш жараёнида ҳудудларда хизматларга бозор талабини, фермер хўжаликларида парваришланаётган чорва моллари бош сони учун белгиланган зоотехник, ветеринарларга талабни эътиборга олиш, ҳудудларнинг чорвачилик тармоғини ривожлантириш билан боғлиқ табиий-иқлим шарт-шароитлари, ем-хашак етиштириш имконияти, чорвачилик соҳасини ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни берган [6].

Қ.Назаров эса ўз тадқиқотларида чорвачиликни инновацион ривожлантиришда банк кредитлари ва молиялаштириш манбаларининг ўрни ва аҳамияти ўрганилган. Бунда тадқиқотчи республикада чорвачилик соҳасини янада ривожлантириш, соҳада замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, чорвачиликни ривожлантириш бўйича чорвачилик тармоқлари бўйича кластер тизимини жорий этиш, чорвачилик маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажмини ошириш ҳамда турларини кенгайтириш асосида аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаларига алоҳида эътибор қаратган [7].

Шунингдек, чорвачилик тармоғига хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириш, маҳсулот етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш, қорамолчилик хўжаликлари фаолиятида интеграция жараёнларни чуқурлаштириш, экологик тоза сут етиштириш ва бозорга таклиф этиш тизимини ривожлантириш борасидаги С.С.Абдуллаева илмий изланишлар олиб борган [4, 5].

Тадқиқот методологияси сифатида мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида ислохотларни жадаллаштириш, жумладан чорвачилик тармоғини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларида белгиланган тадбирлар, илмий асарларда илгари сурилган ғоялар, лойиҳа мавзуси бўйича илмий тадқиқот изланишларини олиб бораётган хорижий ва республикамизнинг йирик аграр иқтисодчи олимларининг илмий қарашлари хизмат қилади.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида «Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқиш асосида «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастурини ҳаётга татбиқ этиш, 2018 йил 7 майдаги «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3698-сонли қароридаги вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини оширишда деҳқон хўжаликларининг алоҳида ҳиссаси мавжуд. Бу энг аввало, уларнинг аҳолини бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш каби ижтимоий масалаларда қўшаётган ҳиссасининг ошиб бораётганлиги билан боғлиқдир. Бугунги кунда республикамиз бўйича жами етиштирилаётган сутнинг 95 фоизидан ортиғи деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу боисдан ҳам сут қорамолчилигининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга таъсир

этувчи омиллар энг аввало деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим, бироқ сут ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш биргина сут етиштириш ва уни бозорга таклиф қилиш билан ҳал этиладиган масала эмас.

Шунингдек, сайёрамизда тобора сезилиб бораётган глобал ҳарорат кўтарилиши ҳодисаси, турли давлатларда намоён бўлаётган демографик вазият иқтисодиётнинг барча тармоқларига, айниқса қишлоқ хўжалигига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатмоқда. Мамлакат аҳолисининг маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш асосан деҳқон хўжаликларини ривожлантириш тадбирларига бевосита боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида соҳага замонавий ва инновацион услубларни жорий этишни тақозо этади.

Айни пайтда республикамиздаги чорвачилик билан шуғулланувчи деҳқон хўжаликлари куйидаги муаммоларга дуч келмоқдалар:

айни пайтда деҳқон хўжаликлари сони жуда кўплиги (4,7 млнга яқин) ва тарқоқ жойлашганлиги;

хўжаликлар ўртасида ўзаро интеграциявий муносабатларнинг йўқлиги; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 30-40 фоизи истеъмолга яроқсиз бўлиб қолиши;

чорва мол бош сонига нисбатан маҳсулдорликнинг пастлиги; ишлаб чиқарилган маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш бўғинидаги номутаносибликлар;

сут маҳсулотлари бозоридаги нобарқарор ҳолат; тармоқда инновацион технологияларга асосланган сифатли хизмат кўрсатиш кўламнинг пастлиги.

Ушбу муаммоларга илмий асосланган ечимлар топиш зарурати А-ҚХ-2021-426- рақамли “Сут ишлаб чиқаришда деҳқон хўжаликлари учун хизмат кўрсатишнинг рақамли мобил тизимини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида махсус тадқиқотлар олиб боришимизга сабаб бўлди. Мазкур лойиҳа Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурида Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан молиялаштирилмоқда.

“Сут етиштиришда деҳқон хўжаликлари учун хизмат кўрсатишнинг рақамли мобил тизимини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа куйидаги муҳим натижаларга олиб келади:

сут етиштирувчи деҳқон хўжаликлари хусусиятларидан келиб чиқувчи ҳамда худудлар шароитини ҳисобга олувчи энг зарур хизматлар классификацияси яратилади;

сут етиштирувчи деҳқон хўжаликлари учун талаб этиладиган хизмат турлари, сутчилик тармоғида қўшилган қиймат яратиш (тайёрлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш каби) имкониятини кенгайтириш билан боғлиқ хизматлар блоки шакллантирилади;

сут маҳсулотлари етиштирувчи деҳқон хўжаликларига илмий-амалий маслаҳатлар берувчи субъектлар ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар йўналишлари бўйича тизимлаштирилади;

эркин бозор шароитида деҳқон хўжаликларига кўрсатиладиган хизматлар пулли бўлишини инобатга олиб, пулли ва текин кўрсатиладиган хизматлар гуруҳлари шакллантирилади;

сут етиштирувчи деҳқон хўжаликларига кўрсатиладиган хизматлар учун ҳақ тўлаш тизими вариантли тарзда яратилади ҳамда хизматлар учун тўловларни амалга ошириш усули (усуллари) таклиф этилади;

рақамли мобил тизим сут етиштирувчи деҳқон хўжаликлари учун манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда жорий қилинади. Хизмат кўрсатувчи инфратузилма фаолиятининг тизимли онлайн мониторинги йўлга қўйилади.



Шунингдек, амалий лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ тизимли тадбирларга “MILKSERVICE” мобил иловасини яратиш режаси киритилган. Тадқиқот натижаларини ўзида ифодалаган инновацион маҳсулот “Android” операцион тизимида ишлайдиган дастурга жамланади ҳамда смарт телефонлар орқали деҳқон хўжаликларига етиб бориши таъминланади.


Мобил илованинг дастури тили - Java Script, Node JS, React ёки Angular технологияси, My SQL.

Мобил илованинг операцион ишлаш тизими - Android.

Мобил илова ҳажми - 50-70 MB.

Мобил илова тавсифи - ушбу дастурий маҳсулот деҳқон хўжаликларида сут ишлаб чиқариш ва истеъмол занжиридаги барча хизмат кўрсатиш жараёнлари бўйича шаффоф электрон маълумотлар базасини ўз ичига олади.

MILK SERVICE ИЛОВАСИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ



БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ

...

Бизнесни рўйхатдан ўтказиш
Онлайн музокаралар
Шартнома имзолаш



АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ

...

Чорвачилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан ажратилган субсидиялар тўғрисида маълумот бериш
Наслчилик хўжаликларида ажратилган субсидиялар тўғрисида маълумот бериш
Сунъий уруқлангичи шиларини тўғри ташкил этиш мақсадида талаб этилган махсус асбоб-виржомлар тўғрисида, чорва молларини юқумли касалликларга қарши эмлаш тўғрисидаги маълумотлар бериш




ХИЗМАТ КўРСАТИШ

...

Наслчилик бўлигининг музлатилган уруғини етказиб бериш
Наслчилик гувоҳномаси бериш
Қорвмол парвартишда сарфланган ресурслар технологик карталарини тузиш
Чорва бимолларини зооветеринария талаблари асосида куриш

MILK SERVICE ИЛОВАСИНИ ЮКЛАБ ОЛИШ ОРҚАЛИ СИЗ ҚҮЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛАСИЗ:

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ - ШАХСИЙ КАБИНЕТДАН ЎЗ ПРОФИЛИНИ ЯРАТИБ, ФОЙДАЛАНУВЧИГА ЯҚИН ЖОЙЛАШГАН ШАҲОБЧАДАН ЧОРВА ОЗУҚАЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШЛАРИ МУМКИН.



ЛАБОРАТОРИЯ ХИЗМАТЛАРИ КОНСУЛЬТАНТЛАР, АНАЛИТИКЛАР ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТУВЧИ БОШҚА МУТАХАССИСЛАРГА - ШАХСИЙ КАБИНЕТДАН ЎЗ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ҚЎШИМЧА ИШЛАШ ИМКОНИЯТИ.



“MILKSERVICE” мобил иловасига рўйхатдан ўтиш усули билан кирилади. Ҳар бир фойдаланувчи таркиби, сифати, нархи ва ассортиментиغا кўра ўзига мос хизмат турини маълумотлар базасидан қидириб топиши, хизматни тақдим этувчи билан мулоқотга киришиш имконига эга бўлади. Айни пайтда юборилаётган мобил сўровлар орқали ҳудудлар кесимида деҳқон хўжаликлари сони, қорамоллар ҳаракати, хизмат турларига талаб ва таклифнинг шаклланиши ҳақида маълумот олиш имкони пайдо бўлади. Бу эса деҳқон хўжаликлари бўйича статистик маълумотларни жамлаш, бандликка кўмаклашиш, насли қорамоллар генофондини шакллантириш ва мамлакатимиздаги эпизоотик ҳолатни яхшилаш тадбирларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар. Сут ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжаликлариغا хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини йўлга қўйиш қуйидаги асосий талабларга риоя қилиниши мақсадга мувофиқ:

ҳудудлар доирасида деҳқон ва фермер хўжаликлариغا зооветеринария ва бошқа хизматларни кўрсатувчи субъектлар кичик ҳажмли ҳамда бозор конъюнктураси ўзгаришига тез мослашувчан;

хизматлар кўрсатувчи субъектларнинг фаолият юритиш тезкорлиги жиҳатидан ва истеъмолчининг буюртмасини бажариш жиҳатидан ҳаракатчан ҳамда хизмат фаолияти учун кўп сарф-ҳаражатлар талаб қилмайдиган; хусусий мулкчилик асосида фаолият юритувчи ва хизмат кўрсатадиган жойнинг (асосан деҳқон ва фермер хўжаликларининг) ижтимоий-иқтисодий, маданий-психологик

хусусиятларига мос ҳолда ўз фаолиятига тезликда ўзгартириш киритиш имконига эга бўлган (мобил);

сифатли хизматлар кўрсатиш учун зарур техник воситалар (зоотехния ва ветеринария жихозлари), мобил транспорт ва алоқа коммуникацион воситаларга эга бўлиш ва улардан малакали фойдаланиш кўникмаси;

хизматлардан фойдаланувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ишончини қозонган, зооветеринария соҳаси бўйича зарур маълумотли, тажрибали, малакали мутахассисларга эга бўлиши лозим.

бевосита хизмат кўрсатадиган жойнинг ўзида (сут етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари жойлашган географик ҳудудда-махалла, қишлоқ, овул) фаолият юритадиган бўлиши керак.

Ушбу талабларнинг барчаси “MILKSERVICE” мобил иловасида мужассамлашган бўлиб, уй шароитида озуқа рационини тузиш, консалтинг мутахассислари томонидан тайёрланган маълумот, билим ва тажрибани сун маҳсулотлари етиштирувчи деҳқон хўжаликларига самарали жорий этиш имконини тақдим этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Yusupova F., Abdullaeva S. Prospects for the Development of Dairy Farming of Dekhkan Farms in Uzbekistan // Бюллетень науки и практики. 2022. Т. 8. №8. С. 88-96. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/81/14>

2. Amonovich, T. S., Alijonovich, A. Z., Abdullaevich, K. M., & Solijanovna, A. S. (2022). Impact of Taxes on the Bank's Profit. INTERNATIONAL JOURNAL OF SPECIAL EDUCATION, 37(3).

3. Абдуллаева С.С. “Некоторые аспекты производства экологически чистой сельскохозяйственной продукции в Узбекистане” // “Аграр соҳани истиқболли ривожлантиришда ресурстежовчи инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш”. ТошДАУ Андижон филиали. Халқаро илмий-техник конференция материаллари тўплами. 2-Том, 94-96-б.

4. Абдуллаева С.С. Качественные ветеринарные услуги – залог улучшения породы скота. “Life Sciences and Agriculture”. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти электрон илмий-амалий журнали. № 1-2023 й. 5-10 б.

5. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823

6. Shadibekova Dildor, Nosirova Nargiza, Bozorov Ilyos, Berdiyeva Uguloy. (2020) Prospective Development Analysis of Small Business and Entrepreneurship of Uzbekistan. Test Engineering & Management. March-April 2020 ISSN: 0193-4120 Page No. 1733-1743 <http://www.testmagzine.biz/index.php/testmagzine/article/view/3815/3347>

7. Бозоров Ильёс Исомиддинович, & Эргашова Сабрина Кузимуратовна. (2023). МАМЛАКАТДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР

ЖОЗИБАДОРЛИГИ ВА УНИ МОЛИЯЛАШ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИ . ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 108–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2789>

8. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>

9. Назарова Муслима Назаровна. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 214–228. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2552>

10. Абдуллаевич Қ.М. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.

11. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ . World Scientific Research Journal, 12(3), 3–12. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2558>

12. Қличев Б.П. (2022 а). Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили. “Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар”, ISSN: 2181-0567, 4 (20)-сон, 170-175, УЎК: 338.4 (575.1) <https://ifmr.uz/journals/18>;

13. Қличев Бахтиёр Пардаевич (2023 б). Хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолиятида ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 2, April 2023. ISSN: 2181-1016, <http://interfinance.tfi.uz/?p=2696>

14. M.S.Tulayev, V.P.Qlichev, (2022). Moliyaviy hisob. (Darslik). ISBN 978-9943-8915-9-3, УО‘К: 657(075.8)

15. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА КОРПОРАТИВНЫХ ОБЛИГАЦИИ: ОБЯЗАТЕЛЬСТВО ИЛИ КАПИТАЛ. In Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции (pp. 146-154).

16. О.Худойоров (2017) Importance of credit risk management in banks. Экономика и бизнес: теория и практика № 5. <https://cyberleninka.ru/article/n/importance-of-credit-risk-management-in-banks>

17. О. Бозорова. (2023). ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 24–29. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2779>

18. Холикулова, Ю. (2023). Iqtisodiyotimizda transport-logistika xizmatlari tashkil etilishi va uning rivojlanishi. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(02), 122–126. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp122-126>
19. О.О.Худоёров, & Ш.О.Фозоров. (2023). МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАРИНИНГ ЎРНИ. World Scientific Research Journal, 12(2), 254–262. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2556>
20. Khaitov, S. S., Nazarova, M. N., Urmonbekova, I. F., Xoliquiliva, Y. P. Q., & Bozorova, O. R. (2023). Mechanisms of Development of the Country's Economy through Bank Loans. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 3(4), 9–15. Retrieved from <http://www.inovatus.es/index.php/ejine/article/view/1575>
21. Назарова, М. (2022). ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ МИКРОКРЕДИТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И АНАЛИЗ ИХ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ. Экономика и образование, 23(4), 73–80. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/566>
22. Салимов Шерзод Бахтиёрович. (2023). Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес корхоналарини венчур капитали орқали инновацион фаолиятини молиялаштириш. World Scientific Research Journal, 12(2), 229–236. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2553>
23. Тулаев, М. (2022). МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1181>
24. Тулаев, М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. Экономика и инновационные технологии, (5), 52–60. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137
25. Қличев Б. (2023 а). Операцион фаолият таҳлилини ташкил этиш масалалари. World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>;
26. Салимов, Б., & Салимов, Ш. (2023). Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадлари ва ривожланиши. The Innovation Economy, 1(01), 14–19. Retrieved from <https://ojs.qmii.uz/index.php/ej/article/view/354>
27. Xoliquilova, Y. (2022). STEPS IN THE PROCESS OF DENATIONALIZATION AND PRIVATIZATION OF PROPERTY IN UZBEKISTAN. Journal of Integrated Education and Research, 1(6), 6–10. Retrieved from <https://ojs.rmasav.com/index.php/ojs/article/view/368>
28. Ibragimova I., Tursunov U., Nosirov A. Auditing of financial reporting in the republic of Uzbekistan.// International Journal of Management, IT & Engineering- Vol. 9 Issue 7, July 2019, ISSN: 2249-0558

29. Ibragimova Iroda Rashid qizi (2023). Problems of planning the external audit process in commercial banks. International Journal of Management, IT & Engineering. Vol. 13 Issue 05, May 2023, ISSN: 2249-0558, https://www.ijmra.us/project%20doc/2023/IJME_MAY2023/IJMIE2May23_Uzb.pdf
30. Бозорова Озода Рахимовна. (2023). МАМЛАКАТИМИЗДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. World Scientific Research Journal, 12(2), 178–185. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2548>
31. Назарова, М. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ФАОЛИЯТИ: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a11. Экономика и образование, 23(3), 71-78.
32. О.О.Худоёров, & Х.Х.Гойипов. (2023). ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ. World Scientific Research Journal, 12(2), 244–253. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2555>
33. Султанов, М., & Ахмедова, З. (2023). ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТИТОРЛАР ОРКАЛИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ. Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка, 12–14. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/18953>
34. Султанов, М. (2020). Значение стоимости чистых активов как показателя, отражающего привлекательность инвестиционных фондов. Экономика и инновационные технологии, (5), 115–122. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11782
35. Саидова, У. (2020). EXTERNAL ECONOMIC ACTIVITIES OF UZBEKISTAN: PROBLEMS AND SOLUTIONS. <https://scienceproblems.uz/index.php/journal/article/view/16>
36. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 170 – 173, <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
37. Saidova, O. R. (2020). ISSUES OF IMPROVING THE FOREIGN TRADE OF UZBEKISTAN. Economics and Innovative Technologies, 2020(2), 12. <https://core.ac.uk/download/pdf/336867043.pdf>